Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 29 декабрь шанба

Сотувда эркин нархда

№ 266 (2828)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан уюштирилган Тошкент саммити 28 декабрь куни эрталаб икки томонлама учрашувлардан бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг ўзаро мулоқотларида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган кўпгина бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида эса кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов мазкур саммит Янги йил арафасида ўтаётгани муносабати билан барча иштирокчиларни, улар орқали қўшни давлатлар халқларини байрам билан қизғин табриклади ва ўзининг энг эзгу тилакларини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари истиқлолга эришганига ўн йил тўлганини, ўта масъулиятли бу давр улкан тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, ўтган ўн йил ичида амалга оширилган хайрли ишлар туфайлигина бугунги кунда минтақамиз давлатлари халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимининг фаол иштирокчиларига айланди. Мамлакатларимизда янги жамиятнинг пойдеворига асос солинди. Президентларнинг шахсий дўстона муносабатлари, оқилона сиёсати, халқларимизнинг яқинлиги боис турли низоларнинг олди олинди, яхши қўшничилик анъаналари янада ривожланмоқда. Ғараз ниятли кучларнинг минтақа мамлакатлари муносабатларига совуқлик солишга уриниб уюштирган фитналари пучга чиқди. Саммит иштирокчилари таъкидлаганидек, ўтган ўн йил ичида жиддий келишмовчилик юз беришига йўл қўйилмади. Бу билан фахрланса арзийди.

Минтақамиз мамлакатлари раҳбарларининг учрашувлари ҳам ўзига хос анъанага айланган. Президентлар ўтган йилнинг апрелида Тошкентда йиғилиб, талай масалаларни ҳал қилган, террор, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик ва минтақага таҳдид солувчи бошқа муаммоларга қарши кураш ҳақидаги шартномага имзо чеккан эди. Ўша учрашувнинг самарасини бугун яққол кўрмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг яқинда имзоланган қўшма баёнотида таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитация қилинди. Чегара баҳонаси билан ўртамизга нифоқ солишга уринган кучлар тилини тишлаб қолди.

Бу галги саммит шуниси билан аввалгиларидан фарқ қиладики, у дунёда туб ўзгаришлар рўй бераётган пайтда ўтди. Бугунги шарт-шароит ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини "Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти"га айлантириш таклифини ўртага ташлади. Янги ташкилот олдига фақат иқтисодий масалалар билан чекланмай, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар жабҳада кенгайтириш вазифаси қўйилади. Лекин айни пайтда унинг ҳеч қандай ҳарбий мақсадга хизмат қилмаслигини эътибордан соқит этмаслик керак. Саммит қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг таклифини бир овоздан маъқуллади.

Ислом Каримов ўзаро иқтисодий ҳамкорлик янада равнақ топиши учун янги имкониятлар яратиш мақсадида Тошкентда Марказий Осиё ишбилармонларининг анжуманини ўтказишни таклиф қилди. Таъкидланганидек, минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми имконият ва салоҳият даражасида эмас. Айниқса, қўшни ўлкаларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки жуда суст. Тошкентда ўтказилажак бизнес-форум бу борада катта бурилиш ясаши тайин. Президентлар иқтисодий ҳамкорлик соҳасида, аввало, қўшни юртлардан келадиган ишбилармонларга алоҳида имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

Музокараларда маданияти ва санъати бир-бирига муштарак халқларнинг бу соҳадаги алоқалари қониқарсиз даражада эканлиги қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда ўзаро бирор фестиваль, декада ё шу каби бирор катта маданий тадбир ўтганини эслай олмаймиз. Нурсултон Назарбоев келаси йилнинг бошида Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти декадасини ўтказиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон томони ишлаб чиқариш кооперацияси, хўжаликлараро бевосита шериклик, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий офатларнинг олдини олишга оид масалалар бўйича ҳам бир неча таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифлар меҳмонлар томонидан маъқулланди.

Айни пайтда дунёнинг кўпгина минтақаларида иқтисодий интеграция жараёнларини кузатиш мумкин. Бу тараққиётга эришиш йўлларидан бири ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, шу орқали глобаллашувга тайёргарлик кўрилади, дунё иқтисодий ҳаётида юз бериши мумкин бўлган турли инқирозларга шай турилади. Марказий Осиёдек ўз-ўзини озиқ-овқат, хомашё билан тўлиқ таъминлай оладиган минтақалар жуда кам. Биз ана шу салоҳиятни тўлиқ ишга солиб, баҳамжиҳат тараққий этмоғимиз лозим.

Меҳмонлар ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва ахборот соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ташаббусини илгари сурди. Таъкидландики, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида телевидение дастурларини ўзаро намойиш этиш тўғрисидаги куни кеча эришилган келишув Қирғизистон ва Қозоғистонни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланувчилар ва транспорт соҳасида иш юритувчиларнинг уюшмаларини тузиш борасида таклиф билдирилди.

Музокараларда томонларнинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати бир хил эканлиги таъкидланди. Президентлар минтақамиз мамлакатлари Афғонистоннинг Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлашини ва мамлакатда тўла тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда, урушдан кейинги тикланиш даврида ундан ёрдамини аямаслигини билдирди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг Тошкент баёноти имзоланди.

Шу ернинг ўзида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда президентлар музокаралар натижалари ҳақида сўзлади ва минтақа мамлакатлари халқларини кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди.

Шу билан Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг саммити якунланди. Учрашувлар ниҳоясига етганидан сўнг саммит қатнашчилари пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонига бориб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган юртдошларимизнинг рамзий қабрига гул қўйди. «Юнусобод» даҳасидаги Ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда Бизнес-марказни томоша қилди.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тошкентдан жўнаб кетди.

**(ЎзА).**



**СУРАТДА: учрашув пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ БАЁНОТИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат раҳбарлари минтақавий ривожланиш ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммоларини муҳокама этиб,

Марказий Осиё халқларининг анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари, тарихий ҳамда маданий умумийлигига асосланиб,

юзага келган сиёсий мулоқот тажрибаси ва минтақавий ҳамкорликнинг эришилган даражасидан келиб чиқиб,

минтақадаги барқарорликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикасининг ўзаро манфаатли муносабатларининг муҳимлигини белгилаб,

минтақада ва унинг атрофида жўшқин ўзгараётган аҳволни эътиборга олиб,

халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, гиёҳвандликнинг авж олиши, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизлик учун чегаралараро уюшган жиноятчиликдан келиб чиқаётган таҳдидлардан ташвишланишни ифодалаб,

сув-энергетик ресурслари, транспорт коммуникациялари ва минтақада мавжуд бўлган иқтисодий имкониятлардан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланишнинг муҳимлигини тан олган ҳолда,

ўзаро тушуниш ва сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли асосда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига алоҳида эътибор бериб, қуйидагилар тўғрисида баён этадилар:

1. Давлат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳамда халқаро майдонда ўзаро яқин муносабат минтақа мамлакатларининг миллий манфаатларига жавоб беришини, тинчлик ҳамда барқарорликни минтақа ва глобал даражада сақлаб туришида муҳим аҳамият касб этишини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари умумжаҳон йўналиш оқимида амалга оширилаётган кўптомонлама алоқалар уларнинг халқлари фаровонлиги ошишига ёрдам беришини таъкидлайдилар.

Давлат раҳбарлари минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатлардаги асосий устунлик ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик бўлишини таъкидлаб ўтадилар.

2. Давлат раҳбарлари ҳар томонлама ва ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларнинг келгусида ривожланишининг зарурлигини таъкидлаб:

иқтисодий ҳамкорликнинг фойдаланилмай қолган имкониятларини амалда татбиқ этиш ҳамда унинг ривожланишига янги турткилар бериш;

эришилган келишувлар ҳамда минтақа давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида имзоланган ҳужжатларнинг амалга оширилишининг самарали усул ва механизмларини ишлаб чиқиш

мақсадида ўз Ҳукуматларига барча даражада ўзаро муносабатларни жадаллаштиришни топширдилар.

3. Давлат раҳбарлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида Марказий Осиёдаги сув объектлари, сув-энергетик ресурслари ва сув хўжалик иншоотларидан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланиш соҳасида мувофиқлаштирилган ва келишилган ҳаракатлар давлатларнинг мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва энергетик имкониятларидан минтақа халқлари фаровонлиги йўлида самарали фойдаланиш учун замин бўлиб хизмат қилишига ишонадилар.

Давлат раҳбарлари ўз Ҳукуматларига чегаралараро сув ресурсларидан фойдаланишнинг давлатлараро механизмини такомиллаштириш бўйича ишни тезлаштиришни топширдилар.

4. Давлат раҳбарлари ташқи бозорга чиқиш мақсадида, биринчи навбатда, бирлашган транспорт ва энергетик тизимларини, умумий инфратузилмани тузиш бўйича ўзаро муносабат кўптомонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ВА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.Ш.РАҲМОНОВНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

2001 йил 27-28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларининг ривожланиши масалалари, муҳим халқаро ҳамда минтақавий муаммоларни батафсил муҳокама қилиб,

бўлиб ўтган музокаралар давомидаги конструктив суҳбат ва ўзаро тушуниш руҳини юқори баҳолаб,

икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда келишилган хатти-ҳаракатлар ҳамда умумий манфаатга асосланган ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг муҳимлигини эътироф этиб,

дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг янада ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида 2000 йил 15 июндаги Шартнома қоидаларига асосланиб,

икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий жиҳатдан умумийлигидан келиб чиқиб,

минтақада ташкил топаётган янги сиёсий ва иқтисодий воқеликлар, шунингдек, жаҳонда содир этилаётган ўзгаришларни эътиборга олиб,

қуйидагилар тўғрисида баён этадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари икки давлат ўртасида ҳар томонлама муносабатларни тенг ҳуқуқлилик, ички ишларига аралашмаслик, ўзаро ёрдам, суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш принциплари, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон халқлари ўртасида анъанавий дўстлик руҳида ривожлантиришга қатъий содиқликларини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланган давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида янада ривожланиши учун кенг имкониятлар белгилайдилар.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли масалалар бўйича турли даражаларда маслаҳатлашувлар ўтказишга тайёр эканликларини маълум қиладилар.

2. Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга муҳим аҳамият бериб, икки томонлама ва кўп томонлама асосда халқаро терроризм, гиёҳвандликнинг авж олиши ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларига қарши курашишда ҳамкорлик қилишни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг муҳимлигини таъкидлайдилар.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари икки мамлакат ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш жараёнлари давом эттирилишининг муҳимлигини таъкидлайдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида давлат чегараси чизиғининг ўтказилишини юридик жиҳатдан расмийлаштириш бўйича музокаралар халқаро ҳуқуқ ва жаҳон тажрибаси меъёрлари ҳамда принциплари асосида ўзаро тушуниш руҳида ўтаётганини таъкидлайдилар. Улар бу йўналишда музокаралар олиб борилиши жараёнидан мамнун бўлганликларини ифодалайдилар ва унинг тезроқ тугатилишининг тарафдори эканликларини баён этдилар.

Давлат раҳбарлари икки давлат ўртасидаги чегаралар икки давлатнинг биродар халқларини бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлган ва шундай бўлиб қолиши лозим, деган ягона фикрни билдирдилар ва икки мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, чегара, божхона органлари ҳамда махсус хизматлари Ўзбекистон—Тожикистон давлат чегарасини тегишли тартибда назорат қилишни таъминлаш бўйича биргаликдаги ва мувофиқлаштирилган хатти-ҳаракатларни олиб бориш тарафдори эканликларини билдирдилар.

4. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари Афғонистон халқига ўз қўшнилари ва умуман, халқаро ҳамжамият билан тинчлик ҳамда уйғунликда яшайдиган янги қиёфадаги ва демократик давлат қуриш ишида барча имкониятлар билан ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этадилар.

(Давоми 2-бетда).

*Олий Мажлисда*

## ТИББИЙ КЎРИК

### ҲАРБИЙГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР ЎРТАСИДА АДОЛАТЛИ ЎТКАЗИЛАЯПТИМИ?

Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмиталарининг кеча бўлиб ўтган қўшма мажлисида «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокамаси бошидан-охиригача танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Асосий эътибор камчиликларга қаратилди. Мавжуд ҳолат аниқ далиллар асосида таҳлил қилиб берилди.

Мажлисда шу нарса англашилдики, мудофаа ишлари шаҳар ва туман бўлинмалари, чақирув ва тиббий комиссиялар, иш берувчилар, муқобил хизмат соҳаси ходимлари амалдаги қонунга тўлиқ риоя қилаяптилар, деб бўлмайди. Тўғри, яхши тажрибалар ҳам бор. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Бунга пойтахтнинг Яккасарой ва Акмал Икромов туманларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Асосий камчилик нималардан иборат? Мажлисда ана шу саволга жавоб изланди. Бунинг учун ижрочи идоралар аввало, ўзлари амалдаги қонунларни билишлари, кейин эса унинг тарғиботи устида бош қотиришлари лозим. Ана шунда қонунга тескари борилмайди, аксинча, у тўлиқ ишлайди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 ва 2001 йиллари фуқароларни навбатдаги муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тўғрисидаги қарори ижросининг назорати яхши йўлга қўйилмагани алоҳида таъкидланди. Натижада чақирилувчиларнинг соғлигини текшириш ва даволашга қабул қилиш ҳамма ҳолатларда ҳам бепул бўлгани йўқ. Тошкент шаҳар молия бошқармаси қарорда кўрсатилган маблағни тўлалигича ўтказмаган. Бундан ташқари, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган, яъни муқобил хизматни ўташ учун корхона ва ташкилотларга фуқароларни ишга жойлаштириш квоталарини белгилаш масаласи ҳам ўлда-жўлда бажарилган.

Мажлисда яна бир муаммо тилга олинди. Бу ҳарбийга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга бевосита боғлиқ бўлган масаладир. Маълум бўлишича, нима учундир соғлом болалар касал, деб қайд қилинган ҳоллар кўп бўлган. Ёки соғлом, деб топилган болаларнинг маълум бир қисми хизмат пайтида касал, деб топилаяпти. Бу нимани англатади? Демак, ҳарбийга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласига мутасадди идоралар жиддий эътибор қаратмоқлари лозим.

Йиғилиш ушбу масалага доир қарор қабул қилиш билан бир қаторда ўз ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

**Исмат ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат солиқ қўмитаси тизимида ҳамда Қашқадарё вилоятида "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунларнинг ижроси, шунингдек, Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш ҳамда Маънавият ва маърифат кенгашларининг, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг жорий йилдаги иш фаолияти якунлари муҳокама этилди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби А.Болиев, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгаши масъул котиби Р.Кўчқоров, "Ўзтелерадио" компанияси раисининг биринчи ўринбосари Н.Маҳмудов, ЎзФА Тарих институти директори Д.Алимова, маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.Эрназаров, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

(Давоми 2-бетда).

## БИРЛАШГАН ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайъатнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб ва тўғри фойдаланишни таъминловчи замонавий технологияларга босқичма-босқич ўтказиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш кўзда тутилган 2010 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг энергияни тежаш дастури лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири, Бирлашган ҳайъат раиси Р.Азимов бошқарди.

Мамлакатни 2010 йилгача макроиқтисодий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларига кўра, ишлаб чиқаришдаги энергия сарфлашнинг ҳозирги даражаси ва энергия ресурслари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг мавжуд имкониятлари энергияни тежовчи илғор технологияларни татбиқ қилиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилгача мўлжалланган энергияни тежаш миллий дастури лойиҳаси муҳокама этилди. Республиканинг 48 та вазирлиги, идора, компания, уюшма ҳамда 14 та ҳудуди бўйича ишлаб чиқилган энергияни тежаш дастурларининг лойиҳалари дастурни ишлаб чиқишда асос вазифасини ўтади.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕКШИРУВЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОРТАДИ

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши назорат органлари ва кенгашнинг ҳудудий комиссиялари таклиф этган 2002 йилда назорат органлари томонидан хўжалик субъектларини текшириш жадвали лойиҳасини кўриб чиқди.

Мазкур лойиҳада хўжалик субъектларида 51 мингта текшириш ўтказиш белгиланганини маълумот учун қабул қилинди. Бу 2001 йилга режалаштирилганидан 19 мингтага ёки 27 фоизга камдир. Келгуси йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 мартдаги 365-сонли қарорига мувофиқ, солиқ идораларига ижобий аудиторлик хулосаларини тақдим этган ва бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлмаган 1800 та қонунга риоя этувчи хўжалик субъектида режали текширув ўтказилмайди. Хўжалик субъектларида барча режалаштирилган текширишларни комплекс тарзда ўтказиш белгилаб қўйилди. Ўрта ҳисобда ҳар тўрттадан битта хўжалик юритувчи субъект текширилади. Ваҳоланки, 2001 йилда ҳар учинчисини текшириш мўлжалланган эди.

Кенгаш 2002 йилнинг I чораги учун текширишлар жадвалини тасдиқлади. Ундан илгари назорат органлари томонидан киритилган 5,8 мингта хўжалик субъектини текшириш олиб ташланди.

Мазкур органлар ва кенгашнинг ҳудудий комиссияларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқидан келиб чиқувчи назорат ишини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, текширишларни тартибга солиш ва сонини камайтириш, назорат органларининг хўжалик субъектлари, биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик, жамоатчилик назорати мавқеини юксалтириш тўғрисидаги вазифаларга мувофиқ, 2002 йилнинг II-IV чоракларида хўжалик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича киритилган таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш бўйича ишларни давом эттириш вазифаси топширилди.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш ва ўтказилаётган текширишлар самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа қарорлар ҳам қабул қилинди.

**(ЎзА).**


Surkhan ap / Сурхон Аджанта Лимитед
Ўзбекистонда дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи пешқадам жамоалардан бири
«СУРХОН АДЖАНТА ЛТД»
ЎЗБЕК-ҲИНД ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Ўзбекистон халқини
Янги - 2002 йил билан
муборакбод этади
ва барча юртдошларимизга мустаҳкам саломатлик, улкан бахт-саодат тилайди.


Янги йил билан !
Азиз ватандошлар!
«Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоаси сизларни Янги — 2002 йил билан табриклайди!
Сиҳат-саломатлик, омад ва фаровонлик тилаб билдирган самимий истакларимизни қабул этгайсиз!
UZDUNROBITA cellular
Ҳақиқий уяли алоқа худди шундай бўлиши керак!


Kamalak-TV
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ !
«Камалак-ТВ»
қўшма корхонаси жамоаси
Сизларни кириб келаётган
Янги — 2002 йил билан
чин дилдан табриклайди.
Сизларга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, фаровонлик ва омад тилаймиз.
Янги йил ҳаммангизнинг оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик, хонадонингизга файзу барака олиб кирсин!
«Камалак-ТВ» ҚК
TURON 1067 LINK
СЛУЖБА ПЕРСОНАЛЬНОГО РАДИОВЫЗОВА


ABN·AMRO
АБН АМРО БАНК ЎЗБЕКИСТОН МБ А.Ж.
Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги – 2002 йил билан самимий муборакбод этади!
Барчангизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилангизга қут-барака ва жамики эзгу ишларингизда катта зафарлар тилаймиз !

Ўзбекистон Республикаси
Телекоммуникациялар хизмати оператори

# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

Сизларни кириб келаётган

Янги — 2002 йил

билан самимий муборакбод этади!

Янги йилда барча юртдошларимизга бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ ва тинчлик-хотиржамлик тилайди.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳозирги кунда Ўзбекистон халқига, корхона ва ташкилотлар ҳамда ишбилармон доираларга телефон алоқасидан тортиб, «Интернет» ва барча турдаги телекоммуникация хизматларини кўрсатмоқда.

Сизларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз!

Ўзбекистон телекоммуникацияси келажаги «Ўзбектелеком»га мансубдир!



Ocіq jamiyat instituti «Ko`mak» jamcarmasininq O`zbekistondagi vakolatxonasi

O`zbekiston xalqi va hukumatini kb kelayotgan Yangi yil bilan qutlaydi. Yangi yilda barchangizga tinchlik, totuvlik va farovonlik tilaymiz!

Shungdek, biz bilan hamkorlik qilayotgan tashkilcar, ekspert qo`mitalari va tanlovlarimiz g`oliblariga ham eng ezgu tilakr va samimiy qutlovlar izhor etamiz. Yangi — 2002 yilda yangi muvaaqiyatlar doimo hamrohingiz bo`lsin!

5124



SJG

# «СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини

ЯНГИ — 2002 ЙИЛ БИЛАН

самимий қутлайди.

Ватанимиз осмони доимо мусаффо,тинчлик-омонлик барқарор бўлишига тилакдошмиз.

Янги йил ҳар бир хонадонга қут-барака келтирсин, мамлакатимиз янада гуллаб-яшнасин, унинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ошаверсин !

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
«Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй. Телефонлар: 117-15-56, 117-15-45.

Биз ҳамиша сиз билан биргамиз.

Азиз ҳамюртлар!

# «ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Сизларни кириб келаётган

Янги — 2002 йил байрами

билан чин кўнгилдан муборакбод этади.



**Юртимизни, саховатли, жондан азиз тупроғимизни, жўшқин дилларимизни мунаввар этаётган ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ мангу порлайверсин! Тинчлик ва осойишталикни ўзига шиор қилиб олган халқимиз доим омон бўлсин! Янги йил ҳар бир хонадонга фаровонлик, дастурхонига янада тўкинлик олиб келсин! Дилимизда Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат янада жўшураверсин!**

**Мамлакатимизнинг тараққиёти, гуркураб ривожланиши ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш, халқимиз манфаатлари йўлида юракдан фидойилик қилиш, юрт учун ёниб яшаш ва меҳнат қилиш ҳар биримизнинг қалб амримиз бўлиб қолсин!**







**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ ЙИЛ БЎЛСИН!**

Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор равишда ривожланиб бораётгани, янги замонавий, илғор технологияларнинг ўзлаштирилиши, юртимизда ўнлаб, юзлаб янги корхоналарнинг ишга туширилаётганлиги ҳақли равишда Мустақиллигимиз шарофати, Истиқлолимиз инъомидир.

Ўзбекистонимизнинг жаҳон айвонидаги ўрни ва мавқеи кундан-кунга сарбаланд бўлиб бораётган экан, бундай саодат унга ҳамиша ёр бўлсин! Ўзбекистон номи жаҳоннинг ҳар бир гўшасида мағрур жаранглайверсин! Мусаффо осмонимизни мунавварлик, ҳаётимизни осойишталик ҳеч қачон тарк этмасин! Фарзандларимиз чеҳрасидаги гулгунлик, юзларидаги табассум асло аримасин!

Келгуси йил дарёларимиз сувга тўлсин, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин. Неки яхши орзу-ниятларимиз борки, бари рўёбга чиқсин. Муродларимиз ҳосил бўлиб, ҳаётимиз янада нурафшонлик касб этсин. Умримизнинг ҳар бир лаҳзаси қувонч ва шодликларга тўлсин. Хонадонларимизда тўйлар бўлсин.



Сизларнинг хизматларингизга доим мунтазир бўлган соҳамиз ходимлари 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йилида ҳам хонадонларингизга фақат хурсандчилик бахш этувчи хушхабарлар етиб боришини тилайдилар. Улар узоғингизни яқин, оғирингизни енгил қилишга доимо ҳозиру нозирдирлар.

**ҲАЁТИНГИЗ ЯНГИ ЙИЛДА ХУШВАҚТ ОНЛАРГА БОЙ БЎЛСИН!**

«Хоразм телеком» акциядорлик жамияти жамоаси.

# «ПАРВИНА»

## МОЛИЯ-ТИЖОРАТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПАНИЯСИ

## (Самарқанд)

Ўзбекистон Республикаси халқи ва меҳмонларини Янги — 2002 йил билан муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

*Кириб келаётган 2002 йил хонадонингизга файзу барака, қувонч олиб кирсин.*



*Янги йил совғалари учун улгуржи нархларда таклиф этамиз:*

**ёнғоқли ва ёнғоқсиз «Парвина» шоколади.**

**30 гр. 80 сўм;**
**65 гр. 190 сўм;**
**75 гр. 220 сўм;**
**80 гр. 220 сўм;**
**85 гр. 250 сўм;**
**100 гр. 300 сўм.**

***Тўлов шакли – турлича.***

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй, «Парвина» компанияси.
Телефонлар: (8-36-62) 33-77-83, 31-07-01.

# «XALQARO HAMKORLIK MARKAZI» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

*Ўзбекистон халқини кириб келаётган ЯНГИ – 2002 ЙИЛ БИЛАН самимий муборакбод этиб, барчага бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайди!*

***Халқаро бизнес маркази — бу:***

- ижара учун нуфузли ва шинам офислар;
- консалтинг ва бизнес хизматлари;
- конференц заллар, музокара хоналари, кўргазма зали, ресторан, кафетерий;
- ҳимоя ва хавфсизликнинг ишончли тизими.



*Манзилимиз:*
*Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, 700084, Амир Темур кўчаси, 107-Б (мўлжал: «Интерконтинентал-Тошкент» меҳмонхонаси ёнида).*
*Телефон: (998-71) 137-09-34, факс 137-09-35. E-mail: ibc@uic.uz*

# «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

## ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ

республикамиз халқини ҳамда аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш тизимидаги барча жамоаларни

# Янги йил байрами

билан самимий муборакбод этади.

*Янги йил хонадонингизга бахт-саодат, омад ва фаровонлик олиб келишига тилакдошмиз. Корпорация жамоаси аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашдек хайрли ҳамда савоб ишга муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланади.*



**«Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси.**

# ЖАМҒАРМА — ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОҲИБИ

**Ибн Сино халқаро жамғармасига БМТ томонидан таъсис этилган Жонатан Мэнн номидаги Халқаро мукофот топширилди**

«Мен барчасига бефарқ эмасман... Сен-чи?» шиори бугунги кунда гиёҳвандлик ва СПИД инфекциясига қарши курашаётган барча ташкилотлар ва кўнгиллилар учун асосий шиор бўлиб қолди. БМТнинг шу йил 1 декабргача бўлган маълумотларига кўра, дунёда бу инфекцияни юқтирганлар 40 миллион кишини ташкил этади. Ўзбекистонда ҳам СПИД билан касалланганлар сонининг ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби ёшларимиз орасида ҳам гиёҳвандликнинг тарқалаётганидир. Афсуски, СПИД касаллигини даволашда замонавий тиббиёт ожизлик қилмоқда. Шу боис унинг олдини олиш учун, аввало, гиёҳвандликка қарши курашишимиз, профилатика ишлари билан шуғулланишимиз лозим. Бу эса республикамиз ҳукумати, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

Ибн Сино халқаро жамғармаси шу йил бошидан буён ана шундай мураккаб ва хайрли ишда фаол иштирок этиб келмоқда. Жамғарма томонидан

**Далил ва шарҳ**

«Болалар тарбияси» ва «Гиёҳвандлик профилактикаси» бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Улар «Она ва бола» давлат дастурига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси гранти билан қўллаб-қувватланган.

Бугунги кунда мазкур лойиҳалар асосида жамғарма қошида маслаҳат марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, институт талабалари ва маҳаллалар аҳолиси ўртасида махсус дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Ҳар ойда билим юртлари, маҳаллаларда мунтазам равишда семинарлар ўтказилмоқда. Бу учрашувларда жамғарма мутахассислари томонидан яратилган тавсиянома — буклетлар бепул тарқатилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали гиёҳвандлик, СПИД ва бошқа касалликлар ҳамда уларнинг олдини олиш тўғрисида чиқишлар ташкил этилган. Хусусан, жамғарманинг бир қатор хорижий давлатларга ҳам тарқатилаётган «IBN SINO — AVICENNA» халқаро илмий-амалий журналида мазкур муаммолар, уларнинг олдини олишда жаҳон ва республикамизда олиб борилаётган тадбирлар, режалар хусусида фикр алмашиш мақсадида махсус рукн ташкил этилган. Шу йилнинг сентябрь ойида Ибн Сино халқаро жамғармаси «Буюк мерос ва замонавий цивилизация» мавзуида анъанавий «Ибн Сино халқаро ўқишлари» илмий-амалий конференциясини ўтказди. Анжуманда буюк аллома Ибн Сино мероси билан бир қаторда гиёҳвандлик, СПИД каби муаммоларга катта эътибор қаратилди. Бу ишлар жамғарма фаолиятининг бир дебочасидир.

Жамғарма олиб бораётган фаолият бир қанча халқаро ташкилотларда қизиқиш уйғотди ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. СПИДга қарши кураш куни муносабати билан Ибн Сино халқаро жамғармасига БМТ томонидан таъсис этилган Жонатан Мэнн номидаги халқаро мукофот топширилди. Бу мукофот Марказий Осиё давлатларида СПИД инфекциясига қарши курашда фаол иштирок этган жисмоний ёки юридик шахсларга берилади. Мукофот топширилиши муносабати билан ўтказилган маросимда Ибн Сино халқаро жамғармаси гиёҳвандликка қарши курашда барча давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятини марказлаштириш ғоясини яна бир бор илгари сурди. Бу таклиф халқаро ташкилотлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

Ўзбекистон
халқини кириб келаётган

**ЯНГИ - 2002 ЙИЛ БИЛАН**

чин юракдан муборакбод этамиз.

*Янги йил сизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва зафарлар келтирсин!*

«Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон»

5173/2690

Rahnamo
компанияси

*Сизларни*
*Янги — 2002 йил билан*
*муборакбод этади!*

5131/2571

Телефон: 136-70-35, 136-79-09, 136-78-74 Факс: 136-24-65 E-mail: rahnamo@online.ru

**«САНОАТКАРТОНСАВДО»**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-САВДО БИРЛАШМАСИ — ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ КАРТОН ВА ГОФРОКАРТОН ҚУТИЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЙИРИК КОРХОНА**

**2002 ЙИЛДА МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ БОШЛАНГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. ШАРТНОМАЛАР ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТУЗИЛАДИ:**




- ✓ Турли эҳтиёжлар учун, ҳар хил шакл, ўлчамдаги кўп рангли босмали гофроқутилар
- ✓ Гофрокартон
- ✓ Матбаачилик ва китоб тайёрлаш учун елимланган картон
- ✓ Ўров қоғозлари
- ✓ Махсус буюртма бўйича картон маҳсулотлари
- ✓ Тухум сақлаш ва етказиб бериш учун ишлатиладиган идишлар
- ✓ 3 мм.дан 3,5 мм.гача қалинликда бўлган толали плиткалар

702500, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, «Гулбоғ» қўрғони, тел.:(37166)34452,22420,факс 26651.
Самарқанд шаҳри,тел.(36622) 354241.
**ШАРТНОМАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ТУЗИЛАДИ:** 700011, Тошкент ш.,Навоий к.,18-В,216-хона,тел.:1448763,418124;факс: 1448763.
**http://webcenter.ru/~angapkt E-MAUL:ANGRKT@ONLINE.RU**

4992/2356




*Миллий мафкура манбалари*

***Шахснинг маънавий баркамоллиги, маърифий етуклиги ва сиёсатда зукколик, юксаклик, олижаноблик масалалари ҳозирги кунимиздаги ижтимоий фанларда, айниқса, турли тафаккур, мунозара жабҳаларида энг долзарб, ўта зарур мавзулардан бирига айланди. Таниқли файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Исмоил Соифназаровнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган «Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият» номли асари айнан ана шу мавзу ва масалаларни тадқиқ этишга бағишланган.***

# БАРКАМОЛ ИНСОНДАН — БАРКАМОЛ ЖАМИЯТГА

Муаллиф ушбу рисолада комил инсон тушунчасининг шаклланиш манбалари, баркамол инсон қиёфасини белгилашда маънавият ва сиёсий маданиятнинг ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр юритади. У «маънавий баркамоллик» ва «сиёсий маданият» тушунчаларининг Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги ўзига хос талқинларини таҳлил этиб, улар бугунги миллий истиқлол ғояси ва мафкурасида қандай маъно ва мазмун касб этаётганига диққат-эътиборни қаратади.

Китоб улуғ ўзбек шоираси Нодирабегимнинг

*Мақсад не эрди,*
*жаҳона келдинг?*
*Кайфиятингни*
*баён этиб кет*

мисралари билан бошланиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Дарҳақиқат, бу ўта жиддий ва ўта мураккаб саволга жавоб, ҳақиқий инсондек яшашнинг аниқ мезони, тайёр дастури борми?

Асарда ана шу саволларга имкон даражасида жавоб беришга ҳаракат қилинган ва кўп ўринларда бунга эришилган.

Рисоланинг биринчи боби «Маънавий баркамолликнинг назарий ва амалий жиҳатлари» деб номланади. Унда маънавий уйғоқлик, огоҳлик, комилликнинг фалсафий асослари ва амалий жиҳатлари, Шарқ ҳамда Ғарб фалсафасида комиллик ва уларнинг муқоясаси каби масалалар ўрин олган.

Маълумки, комилликнинг икки жиҳати бор: жисмоний комиллик ва маънавий комиллик. Жисмоний баркамол одамнинг қадди-басти, қошу кўзи, хуллас, бутун вужуди келишган бўлади. Маънавий баркамоллик кишининг руҳияти, қалб олами, ахлоқу одоби, билим ва тажрибаси беками-кўстлигидан иборат.

Комил инсон эса ана шу икки жиҳатни ҳам ўзида мужассам этмоғи лозим. Бу ҳақда Юртбошимиз шундай деган эди: «Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топтириш — ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга».



Шарқ, жумладан, ўзбек тафаккури тараққиётида, фалсафасида, баркамол инсонга оид тасаввурларда, интилишларда романтик орзу-истаклар, ислом дини муҳим ўрин тутса, Ғарбдаги комил инсонга оид қарашларнинг шаклланишида христианлик дини, реалистик йўналишлар муҳим аҳамиятга моликдир.

Бундан муаллиф жуда тўғри хулосалар чиқаради ва ўринли фикрларни илгари суради:

«Бугун Шарқда ғарблашув, Ғарбда эса шарқлашув жараёни кетаётгани, дунё тобора ягона қиёфа касб этиб бораётгани ҳам сир эмас.

Шу боис айрим файласуфлар бугунги замоннинг кишиси — бу шарқона назокат ва одобни, ғарбона қатъият ва шижоату ғайратни ўзида мужассам этган одамдир, деган хулосага келмоқда.

Комилликнинг мана шу икки бебаҳо манбаи — Шарқ фалсафа мактаби ва Ғарб фалсафа мактабини мукаммал ўзлаштириб, амалиётга татбиқ этиш, айниқса, биз тадқиқ этаётган масала — сиёсий маданият қирраларини англаб етишда муҳим аҳамият касб этади».

Рисоланинг иккинчи боби — «Сиёсий маданият — демократия ва эркинлик маҳсули». Унда сиёсий маданиятнинг зарурати, Шарқ ва Ғарб цивилизацияси тараққиётида сиёсий маданиятнинг ўрни ва аҳамияти, ўзбек миллий тафаккури тараққиётида сиёсий маданият анъаналари каби масалалар ёритилган.

Сиёсий маданият инсоннинг ижтимоий фаолияти, такомили, ривожи жараёнида шаклланадиган хусусият ва сифатдир. Шу ўринда муаллиф илгари — социализм тузумидаги халқимизнинг сиёсий савиясига баҳо бериб, шундай хулосага келади: «Коммунистик партия ўзининг ҳокимиятга яккаҳукмронлигини ниқоблаш учун «Партия ва халқ ажралмасдир», «Партия ва халқ манфаатлари ягона» деган шиорларни байроқ қилиб олган эди. Охир-оқибатда халқ ҳамма нарсага бепарво қарайдиган оломонга айланиб қолди. Давлатнинг тепасида ким турибди, уни кимлар бошқаряпти, қандай бошқаряпти — унга барибир бўлиб қолганди». Шунингдек, муаллифнинг собиқ шўро даврида Коммунистик партиянинг ҳар бир даъватига «лаббай» деб жавоб бериш, унинг қарорлари ижросига шай туриш юксак онглилик, сиёсий етуклик белгиси, деб баҳоланар эди. Аслида демократик қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳеч қандай сиёсий маданият бўлмай, аксинча, сиёсий маданиятсизликдир, деган қарашлари жуда ҳаққонийдир.

Китобда сиёсий маданиятнинг юксак чўққиси бўлган демократия ва унинг хусусиятлари, моҳияти, кўринишлари, замин ва асосларига изчил илмий таъриф берилган.

Тараққиётнинг ўзбек модели ва миллий сиёсий маданият муҳити, янгича сиёсий маданиятни шакллантириш омиллари, йўл ва усуллари, раҳбарлар фаолияти — сиёсий маданият намунаси сифатида, баркамол инсондан — баркамол жамият сари каби мавзулар асарнинг учинчи бобини ташкил этади.

«Ўзбекистон мустақиллиги ва янгича сиёсий маданият муҳити» деб номланган ушбу бобда ўзбек модели мамлакатимизни мустабид тузум давридаги ўта танг аҳволдан озод ва ҳур, ҳуқуқий демократик жамият бағрига олиб чиқишнинг ўзига хос йўли сифатида танлангани ва жорий этилгани алоҳида диққат билан талқин этилган.

Ўзбек модели халқнинг иродаси, унинг руҳи ва тафаккури кўп йиллик истибдод даврида ҳам сўнмагани, аксинча, эрк, озодлик, мустақилликка интилиш жараёнида янада тобланиб, мустаҳкамланиб борганини, у ўз келажак тақдирини ўзи белгилашга қодир эканини кўрсатди. Ўзбек халқи Президент Ислом Каримов сиймосида ўз Ватанидаги тарихий шароитга мос йўл танлаб, сиёсий маданият борасида янги юксакликка қадам қўйди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки бугунги кунимиз учун ҳам ўта аҳамиятлидир. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Асарда ноаниқликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, 152-бетда «Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган» каби узилиб қолган жумлалар, тушиб қолган сатрлар бор.

Асар қуйидаги хулосалар билан якунланади: баркамол жамият сари баркамол инсон орқали бориш — янги сиёсий жамият, сиёсий маданият эгасини тарбиялаш, демакдир. Бинобарин, баркамол инсондан — баркамол жамият сари бориш жараёни сиёсий маданият нуқтаи назаридан ҳам улкан янгиликдир.

**Лазиз ҚАЮМОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети профессори.**

**Ҳожимурод РАСУЛОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти.**


*Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!*

**Азиз ҳамшаҳарлар, Янги йил кўрки бўлмиш арчани безатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни унутманг, яъни қуйидагиларга катта эътибор беришингизни сўраймиз:**

- арчани хонанинг ўрта қисмига қулай қилиб ўрнатиш керак. Арчани иссиқлик манбалари яқинига жойлаштириш мумкин эмас, унинг шохлари девор, шифт ёки электр ёритиш чироқларига тегмай туриши мақсадга мувофиқ;
- арчани безатишда электр қуввати 12 ёки 24 вольтдан юқори бўлмаган чироқлар, қоғоз ёки пахта ўйинчоқлардан умуман фойдаланманг;
- арча атрофида ёш болаларнинг ёлғиз қолишига ва улар яқинида пиротехник воситаларнинг қўлланишига йўл қўйманг;
- шунингдек, шам ёқиш, пиротехник воситалардан фойдаланиш арча атрофида мушакбозлик қилиш ёнғин келтириб чиқариши мумкинлиги ёдингизда бўлсин;
- мабодо ёнғин келиб чиққан тақдирда хонадан болаларни ташқарига олиб чиқиб, дарҳол 01 рақами орқали ўт ўчириш хизматига қўнғироқ қилишни унутманг.

*Янги йил байрамингиз хушчақчақ ва кўнгилли ўтишига тилакдошмиз!*



**Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.**



5165


*Спорт*

## СИРДАРЁЛИКЛАР ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида белбоғли кураш бўйича 1985-87 йилларда туғилган болалар ва ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган боёвутлик Шерназар ва Асилбек Эгамбердиевлар биринчи, Ҳусниддин Райимбердиев ва Султонали Турдиалиевлар эса иккинчи ўринни эгалладилар.

— Мусобақада биринчи ўринни эгаллаган спортчилар келгуси йили Россияда ўтадиган йирик халқаро турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди, — дейди вилоят белбоғли кураш федерациясининг раҳбари Қудрат Турдиев.

**А.ХОНИМҚУЛОВ.**


Меҳрибон ота-оналар, қадрли опа-сингиллар ва ака-укалар, жажжи ўғил-қизлар!

*Сизларни кириб келаётган Янги —*

ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ БИЛАН

*Халқаро Шароф Рашидов фонди жамоаси номидан самимий муборакбод этамиз, ҳаммангизга мустаҳкам соғлик, оилаларингизга бахт-саодат, ишларингизга улкан зафарлар, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишини тилаймиз.*

*Ўтган азизларимизнинг руҳлари шод бўлсин, Оллоҳ уларни раҳмат қилсин.*



**Халқаро Шароф Рашидов фонди Марказий кенгаши ҳайъати.**

5169/2729





## АВТОМОБИЛЬ УЧУН ҚОРА ҚУТИ

Шу пайтгача қора қутилар фақат самолётларга қўйилар эди.

Эндиликда бу қурилма автомобилларда ҳам ишлатиладиган бўлди. Япон олимлари томонидан яратилган мазкур мослама ҳалокат сабабларини қисқа вақтда аниқлашга ёрдам беради.

Бу митти ихтиро автомобилнинг олд ўриндиғи тагига жойлаштирилади. Самолётдаги каби у ҳаракат давомидаги ўзгаришларни қайд этиб боради. Автомобилнинг орқа ойнасига ёпиштирилган митти видеокамера эса ҳаракатни тасвирга туширади. Мутахассислар кўплаб турдаги автомобилларда ярим йил мобайнида ушбу мосламани синовдан ўтказишди. Олти ой давомида ўнлаб ҳалокатлар кузатилди. Уларнинг барчасида қора қути бенуқсон ишлади.

## ЧОЙХОНАСИЗ ЧОЙХЎРЛАР

Буюк Британиянинг «Норвич» қасрида чойнаклар коллекцияси бор. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Ахир инглизлар азалдан чойхўр халқ ҳисобланишади. Лекин қасрдаги чойнакларни кўрган киши ҳайрон қолмай иложи йўқ, чунки бу ерда турли ҳажмдаги 2600 та чойнак бор-да.




**ДИҚҚАТ!**

**ДАВЛАТ БИОНАЗОРАТИНИНГ барча жамоатчи нозирлари 2002 йил 15 январгача нозирлик гувоҳномасини олган жойларидан қайта рўйхатдан ўтишлари керак. Юқорида кўрсатилган муҳлат ичида қайта рўйхатдан ўтилмаган тақдирда, гувоҳнома ҳақиқий ҳисобланмайди, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкилотлари томонидан олиниб қўйилади ва берилган жойга топширилади.**

Давлат бионазорати.

5175/2709


## САВОЛ БИЗДАН...

**Менделеев даврий жадвалидаги 101-элемент нима деб аталади?**

*Жавобни душанба куни хабар қилинг.*

136-35-60

**ЎТГАН СОНДАГИ САВОЛНИНГ ЖАВОБИ:**
**Ернинг ўртача диаметри 12756 километр.**

*Бу ҳақда тошкентлик Аваз Бобохўжаев хабар қилди.*


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ**

**2002 йилда қуйидаги мебелларни сотиб олиш бўйича танлов (тендер) савдоси ўтказади:**

- клуб креслоси;
- юмшоқ мебель (*диван + 2та кресло*);
- металл каркасли аудитория столи скамейкаси билан;
- металл каркасли кабинет стули;
- металл каркасли табурет;
- каравот тумбаси;
- махсус воситалар учун шкаф;
- ёнғинга қарши буюмлар тўплами.



*Маълумот ва техник ҳужжатлар олиш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:*
*55-85-02, 55-83-26. Факс: 56-74-16, 136-27-93.*

**Тендер таклифлари Моддий-техника таъминот бошқармасининг ишчи органи томонидан 2002 йил 30 январгача қабул қилинади.**

**Манзил: 700070, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.**

5154/2694

1991 NBU National Bank of Uzbekistan 2001

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**пул жўнатмаларини Вестерн Юнион халқаро тизими ёрдамида юборишни**
*таклиф этади.*

*тез, ишончли, қулай*

WESTERN UNION | ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ

- **АҚШ долларида келиб тушган пул жўнатмалари мижоз хоҳишига кўра, жўнатма валютасида ҳам, Ўзбекистоннинг миллий валютасида ҳам тўланиши мумкин;**
- **чет элга пул жўнатмалари АҚШ долларида юборилади.**

*Вестерн Юнион тизими бўйича жўнатмалар пули нақд шаклда қабул қилинади ва берилади.*

***Ҳозирги кунда Ўзмиллийбанкнинг беш бўлимида Вестерн Юнион тизими бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш пунктлари очилган:***

- Тошкент шаҳар бош бошқармаси – Ғ.Ғуломкўчаси,1-уй,телефон: 144-35-34;
- Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳузуридаги бош операция бошқармаси – Я.Ғуломов кўчаси,95-уй, телефон: 133-06-42;
- Тошкент вилоят бўлими – Т.Шевченко кўчаси,29-уй,телефон: 133-68-19;
- Самарқанд бўлими – Фирдавсий кўчаси,7-уй,телефон: 31-23-27;
- Бухоро бўлими – М.Иқбол кўчаси,3-уй,телефон: 36-973.

5170

**М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**қуйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчи вакант лавозимларига танлов эълон қилади:**

**кафедра мудири, доцент:** овоз режиссёрлиги ва информатика, мусиқий педагогика; бастакорлик (0,5), халқ чолғулари (1), анъанавий ижрочилик (доира 1, қўшнай ва сурнай 0,5), овоз режиссёрлиги ва информатика (овоз режиссёри 0,5, информатика 1), умумий фортепиано (0,5);

**катта ўқитувчи:** дамли чолғулар (гобой 0,5, зарбли чолғулар 1), анъанавий ижрочилик (най 1), умумий фортепиано (1), овоз режиссёрлиги ва информатика (овоз режиссёри 1);

**ўқитувчи:** академик хонандалик ва опера тайёрлови (1), дамли чолғулар (1), камер мусиқаси (2), жўрнавозлик маҳорати (1), овоз режиссёрлиги ва информатика (овоз режиссёри 1), умумий фортепиано (1), чет тиллар (инглиз тили 1);

*Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй, ходимлар бўлими.**

**ТЕЛЕФОН: 133-59-61.**

5143/2675


«Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни бош геологи

**Александр МАЗУРКЕВИЧнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси институт «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи Малика Раҳметовага отаси

**ТЕЛЬМАН отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси «Маънавий-маърифий ишлар» кафедраси профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

**Малик МУРОДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 3115, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.**

**Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.**
**Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.**
**Навбатчи — О. РАЖАБОВ.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**
**t — тижорат материали.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.30*
1 2 3 4 5 6